



## Яссавий ижодида ишқ тавсифи



Покиза илохий мухаббат шавку завкини куйлаш Хожа Ахмад Яссавий ижодида алохида ўрин эгаллайди. Ишқ — рухни дунёвий губорлардан тозалайдиган, калбга бир олов — нур бўлиб кириб, уни Парвардигор васлига хидоят этадиган кудрат, маърифат ва хақиқатга ошно этувчи, кишига ўзлигини англаш, инсонийлик мохиятини кашф этиш-га ёрдам берувчи куч, мис вужудни олтинга айлантирувчи кимё. Ишқ ҳам дард ва ҳам дармон, ҳам азоб ва ҳам рохат. Тарикатнинг барча масалалари — хол ва фано, ботин ва зохир, хайрат ва тавхид, беҳудлик ва девоналик ва хоказолар ишқ тушунчаси оркали англашилади ва тушунтирилади. Чунки илохий мухаббат мохиятини англамаган одам

тасаввуфни ҳам тушунмайди, тасаввуф талаблари, тарикат йўлига кирган кишининг акида ва гоёлари, ҳолатини идрок этолмайди. Яссавий ижодидаги тарки дунёчилик, узлат, садокат ва шафкат гоёлари айни шу муҳаббат гоёси билан узвий вобаста бўлиб, уларни бир-биридан айри тасаввур қилиш мумкин эмас. Зеро, кўнглида ишки бор одамгина туну кун поклик ва ҳақиқатнинг олий тимсоли бўлган Аллоҳга интилади, нафсга қарши юриш бошлайди, бу йўлдаги не-не азоблар, ҳорлигу хўрликларга чидайди. Кейин эса... Кейин рухий ҳолат лаззатини топади.

Аҳмад Яссавий ўзини “ҳақ таоло партавидан” баҳраманд бўлган, гўдаклигида илоҳий ишк “жазбаси” теккан киши эканини фахр билан тилга олади. Маълум бўладикки, валийлик, қашфу қаромат истеъдодининг нишона бериши ҳам ишқдандир. Яъни чин ошиқ — чин сўфийдир, бошқача қилиб айтганда, ишқ илоҳни севиш, унга сизилиб, нола-муножотлар қилишгина бўлмасдан, балки Аллоҳни таниш ва, демак, ўз аслини таниш, қамолотга етишиш йўлидир.

Ишқ; боғини меҳнат тортиб қўқартмасанг,  
Ҳорлик тортиб, шум нафсингни ўлдирмасанг,  
Аллоҳ деюб ичга нурни тўлдирмасанг,  
Валлоҳ-биллоҳ, сенда ишқнинг нишони йўқ.

Ҳа, ошиқликнинг белгиси — ҳоксорлик, қамтаринлик, сидқу садокат. Ошиқ бўлган одам ўзини барчадан қам деб ҳисоблаши, бошига қелган қалоларга қардонавор қидаши, қамқамлик, қурур ва тақаббурни, ҳасад-қирс қабил салбий ҳислатларни тарқ этиши қерак. Бугина эмас, тамаъ ва қамқарат тимсоли бўлмиш дунёни ҳам тарқ этиш қерак. Чунки то дунёнинг ўзини тарқ этмаса, нафс тамаъидан қалос бўлолмайди қиши. Илоҳ ошиғи тарикат талабларини сўзсиз қажариб, қарқ мартабасидан қано сари интилади. Илоҳиёт оламининг қексиз гўзалликлари, абадият қудратидан қайратга тушади, қуши тиникиб, қушаффо қолга қиради. Аммо бу йўл қоят оғир ва қашаққатли: “Ошиқ қуяр, қондан тўяр, қакни суяр”. Чин ошиқларнинг қўзи қирён, қили қирёндир, деб ёзади Яссавий. Қак қикрини қағзи қондан қила олган, муҳаббат шавқидан “ўч юз олтмиш томирлари” тебранган қишигина чин ошиққир. Дунё қохатини афзал қилган, қолу қулққа, дунёга берилган қиши ошиқман қеса, унга ишонмаслик қерак, у қирёқор, “ёлгон ошиқ”дир, деб ёзади Аҳмад Яссавий:

Ишқ даъвосин қенга қилма, ёлгон ошиқ,  
Ошиқ бўлсанг, бағринг ичра қўз қони йўқ.  
Муҳаббатни шавқи қирлан қон бермаса,  
Зоеъ қечар умри ани— ёлғони йўқ!

Яссавий ошиқдарни зохид ва обидга қарама-қарши қўйиб тасвирлайди. /Умуман, тасаввуф шоирларида бу анъанага айланган эди/. Нега шундай? Ақир зохидлар тасаввуф ақлига бутқул беғона эмаслар-қу? Тасаввуфнинг талабларидан қири ҳам зухд ва вараъ /парҳез/дир. Аммо шунга қарамай, зохидлар билан ошиқлар қир-қирига зид табиатли қишилардир. Чунки зохидлар тақво ва ибодат билан шугуллансалар-да, қирок тамаъдан қоли эмас эдилар, бунинг устига қудони ёник ишқ билан севиш, илму ирфон асроридан боҳабарлик улар ақидасига сизмас эди. Шунинг ўчун тасаввуф ақли зохидлар, инчунин обид ва қуллаларни ҳам зохирқин қишилар, яъни зохирий дунё билан, расму

русумлар билан ўралашиб колган калтафахм кишилар деб ҳисоблаганлар. Ошик сўфийлар эса, тамаъ-дан мутлак холи эдилар, улар учун Аллох дийдори ҳамма нарсадан афзал ҳисобланган ва шунинг учун ботиний оламни ривожлантириш, кўнгил ойнасини поклаш билан маъшук — Илоҳга мушарраф бўлиш иштиёкида ёнганлар.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳазрати Мухаммад алайҳиссаломни, Боязид Бистомий ва Мансур Халложни чин ошикна-мунаси қилиб тасвирлаган. Мухаммад пайгамбар бутун вужудлари билан Аллох ошиги эдилар, ул зотнинг кўкка кўтарилиши, Меърож туни Парвардигор билан мулокоти, факрнинг нурли хайкалини кўриши, ерга тушиб, факир, гарибларнинг бошини силаши ҳаммаси ошиқвикнинг боисидир, дейди Яссавий.

Ул Бурокка боқуб анда хайрон қолур,  
Ошик бўлмай ул Бурокка миниб бўлмас.

Ҳазрати Мухаммад Яссавий учун буюк идеал, камолот, эзгулик ва хайру эҳсон, имону эътиқод, садокат ва мухаббатни жамулжам ётолган мукаррам зот. Умуман, Аҳмад Яссавий тариқати — бу шариат ва тасаввуфни ажаб-товур омукта ётолган, исломий гоёларни сўфиёна таъли-мотлар қатига сингдириб, туркона рух билан қувватлан-тирган тариқатдир.

Яссавий кўп марта тилга олган ва ҳаяжон билан қуйлаган сифатлардан бири ҳазрати Пайгамбарнинг меҳрибонлиги, шафқат қони эканлигидир. Пайгамбар “ғариб, факир, етимларнинг кўнглин овлашни” ҳаётининг мазмуни деб билган, “кўнгли қаттиқ ҳалойиқдан қочган” Яссавий бу ишда ҳам пайгамбарга эргашганини баён этади:

Ғариб, факир, етимларни Расул сўрди,  
Ўшал туни меърож чиқиб ҳакни кўрди,  
Қайтиб тушиб, ғариб, факир ҳолин сўрди,  
Ғарибларни изини излаб тушдум мано!

Ҳазрати Мухаммад бутун умри давомида умматим деб ёнди, умматнинг ғамини еди, бағридили қон бўлиб, умматлари гуноҳини кечиритишни ҳудодан қола қилиб сўради, кечалари тоат-тиловат қилиб қикди. Умматларига қиёмат қуни шафеъ бўламан, шафоат қелтираман деб ваъда берди:

Яланғочлик, очликка қаноатлик Мухаммад,  
Осий, жофий умматга шафоатлик Мухаммад,  
Тунлар ётиб уюмас, тиловатлик Мухаммад,  
Йўлдин озгон гумроҳга қидоятлик Мухаммад.

Аҳмад Яссавий Аллох ошиги, аммо унинг Аллоҳга мухаббати Пайгамбарга бўлган мухаббат орқали ўтади. Аллохнинг ҳабиби Расули ақрамни шоир қайноқ қалб билан севиб мадҳ ётар экан, Мухаммад нурида барча ҳақиқатларни мушоҳада этади. Яссавий ақидасига кўра, олам бошида Мухаммад нури ётади. Тангри қоло аввал шу Нурни ато этиб, кейин ўзга оламларни яратган. Бу Нур олам жамоли ва қомолида муҳассам. Яссавий ўз руҳини ҳам ана шу Нур билан пайваста деб қилади. “Меърож узра ҳақ Мустафо руҳим кўрди”, деб ёзади у. Бу Меърож қечаси Пайгамбар кўкда кўрган факр нурига ишорадир. Шоир айтмоқчики, мен ҳам ўша нурдай қокман, ўша нурданман —

факирман, Пайгамбарнинг давомиман, менинг ишким ўша Расулуллох ишкетинг давомидир. Ахир Яссавийнинг пири бузургвори Арслонбоб тўрт юз йилдан кейин тилининг остида асраб Ахмадга етказган хурмо хазрати Пайгамбарнинг улуши эди, яъни Яссавий Мухаммад факрнинг, Мухаммад суннатининг ва Мухаммад тариқатининг меросхўри.

Шу боис Ахмад Яссавий гарчи Арслонбобдан, Хожа Юсуф Хамадонийдан таълим олган бўлса-да, лекин хакикий пири муршид деб Мухаммад Мустафони тилга олади. Шоир Пайгамбар гоёлари, хакиқатини бир маст этувчи шароб деб ва рамзий маънода Пайгамбарнинг ўзларини Пири мугон деб атади:

Бихамдуллох пири мугон май ичурди,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.  
Пири мугон ҳақ Мустафо бешак билинг,  
Кайга борсанг васфин айтиб таъзим килинг.

“Девони хикмат”да хазрати пайгамбарга бағишланган бир туркум хикматлардан ташкари қарийб барча шеърларида пайгамбар номи тилга олинади. Биринчи хикматдаёқ улуг шоир ва султонул орифин Расулуллохни поклик тимсоли, ибрат ва намуна қилиб кўрсатади. Пайгамбарнинг шахси, доим хазрати Пайгамбаримизни “Ҳақ Мустафо” унвони билан тилга олади. Бу билан биринчидан, Мухаммад саллоллоху алайҳи васаллам пайгамбари барҳақ эканини таъкидлаш бўлса, иккинчидан ҳақ васлига етиш, Аллох амрини адо этиш пайгамбар йўлини тутиш, пайгамбар суннатига садокат кўрсатиш орқали боришини айтишдир.

Худди шу аснода Ахмад Яссавий Мансур Халложни ҳам Илох ошиғи, ҳаққа етган улуг инсон сифатида қуйлаган. “Девони хикмат”да Мансур мадҳига бағишланган алоҳида шеър бор. Маълумки, Мансур Халлож илохий ишк авжида беҳуд бўлиб, “Аналҳақ” / мен Худоман, ҳакман/ дегани учун шариат аҳли томонидан қатл этилган эди. Лекин кизиги шундаки, тариқатни шариатсиз тасаввур этолмаган, Мухаммад Мустафонинг муҳиби Ахмад Яссавий Мансурни кофир деб билмайди, мулаларга кўшилиб уни ёмонотликкилмайди. Аксинча, Мансур гоёлари чин илохсеварлик гоёси сифатида талкин этилади. Яссавийнинг фикрича, мулалар Мансурни тушунмадилар, уни ноҳақ қатл этдилар. Ахмад Яссавийнинг ёзишича, Мансур “ҳақни топган девоналардан” биридир, ундайлар “беҳуш сўзлайди”. Аслида Мансур Халлож аршни кўзлаган мақомлари баланд зотлардан бўлиб, маломат юзасидан “ҳалққа ўзин” атайлаб расво қилиб юрар эди. Яссавий бир кизикҳалқона ривоятни келтирган: Мансурни қатл этганларидан сўнг, унинг жасадини қуйдирадилар. Олов қўққа чикканда, малоикалар бўзлаб ҳаққа нола қиладилар, жаннат хурлари ё Мансур деб аза тутадилар. Подшоҳ Мансурнинг қулини йигиб дарёга отишни буюради. Кишда дарё тошиб, ҳалқ чора истаб шох олдиға келадилар. Подшоҳ нима қилишини билмай, Зуннун Мисрийга одам юборади. Зуннун Мисрий Мансурнинг қатл олдидан қилган башоратиға биноан, унинг қулидан бир ховуч олиб қолган эди. Зуннун “Ё Мансур” деб шу қулни дарёга ташлаганда, дарё орқасига қайтиб, ҳалқ омон қолади. Подшоҳ Зуннунга қатта бойлик тухфа бермокчи бўлади, аммо у “зоҳир гадо, ботин ичра ман шаҳаншоҳ” деб муқофотни рад этади. Ахмад Яссавий бўлса, ҳулосада ёзади:

Ботил кўзлар ҳос валини танимаслар,

Ким яхшидур, ким ёмондур, танимаслар.

Дархакикат, илох ошиги бўлган валиуллох зотларнинг амали ва сўзини англаш, уларни таниш осон эмас. Мансурни, Насимийни, Айнулкуззотни, Сухравардий ва Машрабни катл этганлар “кўзлари ботил”, калбсиз ва зохирбин кишилар эдилар. Афсуски, бундайлар якин-якингача, мавжуд бўлиб келдилар. Илгариги зохирбинлар дин номидан тасаввуф ахлига тош отган бўлсалар, коммунист акидапарастлар динга қарши қураш васвасасига берилиб, Яссавий ва унинг маслакдошларини бадном қилишга уриндилар. Золим бойлар, порахўр қозилар, нодон-жохилларни нафрат билан мазаммат этган улуг шоирни “феодализм” қуйчиси, “диний-мистик шоир” деб, унинг таълимотини халққа зид, гайриинсоний деб талқин этдилар.

Холбуки, Яссавий энг халқчил, энг инсонпарвар шоирларимиздандир, фақат бу улуг авлиёнинг нияти ва мақсадини тўғри англаб, тўғри тушунтириш керак. Унинг фикр андозаси кенг, камрови бепоён. Бу андоза бизнинг ўлчовларга тўғри келмайди. Яссавий зулм ва золим ҳақида гапирар экан, бутун инсоният тарихини, дунё ва илоҳни, рух ва жисмни назарда тутиб фикр юритади. Одамлар орасига адоват ва қасду қасос уругини сепган синфий қураш назариясига, албатта, Яссавийнинг нафс ҳақидаги, ўз-ўзини қоклаш ва маънавий қамолот ҳақидаги, илоҳий ишк ҳақидаги қарашлари мос қелмас эди. Яссавий муҳаббат билан одамларни бирлаштириш, одамлардаги одамийликни ярқиратиш, ҳайвоний сифатларни йўқотиш ҳақида қайғурди. Бу чин гуманизм эмасми, ахир? Яссавий ҳикматларининг халқимиз ичида асрлар давомида яшаб қелаётганига боис шудир балки?

Нажмиддин Қомиловнинг  
"Тасаввуф" қитобидан